Мустақиллик йилларида телеминора фаолияти тубдан янгиланди. 1999 йили Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан "Тошкент телеминорасининг радиоузатиш мажмуасини замонавийлаштириш" лойиҳаси тасдиқланди. Унга қўра тендер эълон қилиниб, Япониянинг "Itchu" корпорацияси ғолиб деб топилди ва янги ускуналарни келтириш бўйича шартнома имзоланди. 2000 йилда "TOSHIBA" русумидаги иккита ТВ-узатгич ишга туширилди. Кейинчалик Испания "BTESA" компаниясининг тўртта FM, тўртта телеузатгичлари тўлиқ ўрнатилди. Энг муҳими, узатилаётган тасвир ва овоз сифати яхшиланди.

Соҳага малакали мутахассислар жалб этилди. Анъанавий ўтказиб келинаётган "Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги энг яхши рационализаторлик таклифи" танловларида марказнинг ёш, иқтидорли муҳандислари фаол иштирок этаётирлар.

Бугунги кунда Тошкент телемаркази таркибидаги сунъий йўлдош орқали узатиш станцияси ёрдамида дунёнинг 30дан ортиқ мамлакатларига Ўзбекистон телерадио дастурлари тарқатилмоқда. Хориқдаги ҳамкорлар билан алоқалар мустаҳкамланди. Телемарказда техник имкониятдан фойдаланувчилар тобора ортиб борапти. Ҳозирги кунда телеминорада фаолият юритаётган ижарачилар сони 45тадан ошиб кетди. Бу — корхоналар билан ўзаро алоқаларни тўғри йўлга қўйилганлиги далолатидир.

Телеминорада гидрометеорология маълумотлари олиш имконини берувчи махсус бўлим ҳам мавжуд. Минорага асосий қурилмалар қаторида шамол, ҳарорат ва намликни ўлчовчи махсус жиҳозлар ўрнатилиши натижасида об-ҳаво маълумотлари аниқлиги ошди. Телеминора гидрометеорология марказининг ахборотлари билан яхши таъминланган. Масалан, шамолнинг кучайганлиги ҳақидаги маълумот лифтларни ўз вақтида тўхтатиш имконини беради. Бу, шунингдек, миноранинг баланд ва ташқи қисмида ишлаётган ходимлар учун ҳам ўта муҳим ҳисобланади.

гунги кунда телеминорада олти ТВ ва тўртта FM аналог, тўртта рақамли телевизион узатгичлар ёрдамида телерадио дастурлари эфирга узатиляпти.

Рақамли телевидение — бу ёрқин ранглар, юқори сифат, электр иқтисоди ва юксак технология намунасидир. Тошкент телеминораси теледастурларни тарқатишда авангардлик ролини бажариб, ҳозирда тўртта рақамли телевизион узатгичлар орқали 12та давлат ва 4та радио ҳамда хориқий теледастурлар, яъни жами 46та теледастур тарқатмоқда. Замонавий технология ҳамда марказда яратилган кенг имкониятлар туфайли радиотеледастурлар сифати янада ошди. Айниқса, радиотелевизион сигналлар етиб бориши қийин бўлган Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудлари — Ангрэн, Охангарон, Бўстонлик ва Бекобод туманларида сифат самарадорлигига эришилди. Рақамли телевизион узатгичларнинг яна бир қулайлик томони шундаки, бунда кам қувват сарфлаб, юқори сифатга эришиш мумкин. Япониядан келтирилган энг сўнги русумдаги телевизион қурилмалар

бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда 2011 йил ноябр ойида илк бор HD форматдаги ер усти телеканал — "UzHD" ишга туширилди. Юксак технологиялар асосида яратилган ушбу телеканал ўзининг ёрқинлиги, аниқлиги ва юқори сифати билан алоҳида ажралиб туради. Мазкур лойиҳа амалга оширилишида Тошкент радиотелевизион узатиш маркази мутахассислари, техник ходимлари ҳам фаол иштирок этдилар.

Таъқидлаш лозимки, HDTV тизимининг ишга туширилиши ва алоҳида канал орқали теледастурлар тарқатилиши телевидение тарихида янгилик бўлди. Албатта, бу мамлакатимизда соҳага берилган юксак эътиборнинг ёрқин намунасидир. Марказ техник ходимлари оп-

тик толали кабелларни керакли жойга тортиб бориш ва монтаж қилиш ишларини олиб борди. Ўйлаёмизки, келгусида ушбу форматдаги телекўрсатувлар сони ортади. Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд.

Ҳозирда "РТМ" ДУК томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 17 апрелдаги ва 2014 йил 3 апрелдаги қарорлари билан тасдиқланган 2014-2017 йиллар-

олиш имкони пайдо бўлади. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 54 фоизи рақамли телевидение билан қамраб олинган. Ҳозирда Тошкент шаҳридан ташқари, Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Навоий, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг кўплаб туманларида рақамли телевидение дастурларини юқори сифатда томоша қилиш мумкин.

Ижтимоий рақамли теледастурлар пакети қуйидаги давлат дастурларидан иборат: "O'zbekiston", "Yoshlar", "Sport", "Toshkent", "Duny bo'ylab", "Madaniyat va ma'rifat", "Bolajon", "Kinoteatr", "Navo", "O'layvi", "Diyor" va "Mahalla".

Экскурсия ва ресторан

Тошкент телеминорасининг 100 метр баландлиқдаги томоша майдончаси ва 105 метр баландлиқдаги — миллий услубдаги "Мовий" ва 110 метр баландлиқдаги — европача услубдаги "Алвон" залларидан иборат "Коинот" ресторани ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Ушбу ресторан залларининг ҳар бири 60 кишига мўлжалланган бўлиб, ресторан ошхонаси меҳмонлар учун кенг асортиментдаги миллий ва европа таомларини тайёрлаб беради. Ресторан залларида буюртма асосида банкетлар, қабул маросимлари, корпоратив базмлар, оқшомлар, тўй ва бошқа оилавий маросимлар ўтказилиб келинмоқда. Шу билан бирга, болалар учун ресторанда эртаклар қаҳрамонлари иштирокида туғилган кунлар ҳам ташкил этилади. Меҳмонлар ресторани залларида чиройли безатилган дастурхон ёнида минора ўзига атрафида айланадиган платформада ўтириб, пойтахтимиз манзарасини томоша қиладилар.

Экскурсия хизматида иқтидорли ёшлар хизмат кўрсатиб келишмоқда. Улар ташриф буюрувчи чет эллик сайёҳлар билан инглиз, корейс ва немис тилларида бемалол мулоқот олиб борадилар. Телеминора фойсига кириш йўлақларида ва 100 метр баландлиқдаги томоша майдончасида жаҳондаги энг баланд ва осмонлар миноралар макетлари жойлаштирилиб, улар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Ушбу ўзига хос экспозиция таш-

риф буюрувчилар қизиқишини уйғотмасдан қолмайди. Макетлар орасида Канада, Америка, Хитой, Россия, Япония каби қатор мамлакатларнинг ноёб миноралари нусхалари бор.

Лифт хизмати

Тошкент телеминорасида 1984 йилнинг 1 декабрида Швейцариянинг "Schindler" фирмасига тегишли сониясига 4 метр тезликда ҳаракатланадиган учта тезорар лифтлар ўрнатилган эди. Ушбу лифтлар 25 йилдан ортиқ вақт давомида миллионлаб инсонларга хизмат кўрсатди.

2011 йилнинг 11 июлида Германиянинг "Thyssen Krupp Aufzugswerke" компанияси билан "Тошкент телеминорасининг 3та лифтларини алмаштириш" лойиҳаси бўйича шартнома имзоланди ҳамда ушбу шартномага биноан эски лифтлар демонтаж қилинди.

Ҳозирда Тошкент телеминорасида Германиянинг "Thyssen Krupp Aufzugswerke"нинг 3та тезорар лифти ўрнатилган бўлиб, ушбу лифтлар сониясига 4 метр тезликда ҳаракат қилади. Телеминорага ташриф буюрадиган сайёҳлар ва телеминора фойсига ходимлари учун хизмат кўрсатиб келаётган лифтларнинг иккитаси 115 метр, биттаси эса 220 метр баландлиқда бир вақтнинг ўзида 8та одамни олиб чиқиш қувватига эга. Лифт кабионаларида электромеханик билан гаплашиш, видеокузатув, ёнғиндан хабар берувчи ва автоматик тўхтатиш мосламалари мавжуд.

Алоқа хизмати

Тошкент телеминораси ходимлари учун қулайликлар яратиш ҳамда алоқа сифатини ошириш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида 2014 йилда IP-телефония тизими ўрнатилди. Ушбу тизим оптик толали кабел орқали уланганлиги сабабли тармоқда носозликлар юзга келишининг олди олинди.

Сўнгсўз ўрнида

Тошкент телеминораси мўъжизавий иншоотлардан бири бўлиб, минора хизматидаги бўлимларда кўплаб ёшлар хизмат кўрсатадилар. Улар етук техник мутахассислардан керакли маслаҳатлар олиб, ўз билим савияларини доимо ошириб боришмоқда. Шунингдек, янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида хориқда ҳам малака ошириб қайтишяпти. Телеминора келажаги ана шундай билимли, изланувчан ёшлар қўлидадир.

Саҳифани Лутфилло ТУРСУНОВ тайёрлади



Тошкент телеминорасига ҳар кун 200-300 киши ташриф буюради. 30 йил мобайнида ушбу ноёб иншоотга ташриф буюрганлар сони 4 миллиондан ошди.



Телеминоранинг тунда манзарани ёритиш мақсадида кучли ёритиш ускуналари келтирилди. Байрамларда минора ўзига хос ёрқин тусга бурканади.



Рақамли телевидение: юқори сифат ва кенг имконият

Мамлакатимизда юқори сифатга эга бўлган рақамли телевидениени ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда телемарказ томонидан 2007 йилда бир узатгичли рақамли телевидение лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Тошкент ҳамда Бухорода муваффақиятли синовдан ўтказилди. 2009 йилдан бошлаб телеминора республикамиз аҳолисига рақамли телевизион дастурларини сифатли етказиб бермоқда. Бу-

Тошкент телеминорасининг 100 метр баландлиқдаги томоша майдончаси ва 105 метр баландлиқдаги — миллий услубдаги "Мовий" ва 110 метр баландлиқдаги — европача услубдаги "Алвон" залларидан иборат "Коинот" ресторани мавжуд. Меҳмонлар ресторани залларида чиройли безатилган дастурхон ёнида минора ўзига атрафида айланадиган платформада ўтириб, пойтахтимиз манзарасини томоша қиладилар. Платформа 45 дақиқада тўлиқ айланади.



Тадбирдан лавҳалар

Дийдорлашув

Тошкент телеминорасининг 30 йиллиги муносабати билан корхонада узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийлар таклиф этилиб, байрам тадбири ўтказилди. "Радиоалоқа, радиозастириш ва телевидение маркази" ДУК бош директори Ғолибшер Зияев, Тошкент РТУМ директори Ҳамидулла Холмухамедовлар йиғилганларни қутлуг сана билан табриқлашди.

Ўз навбатида, фахрийлар номидан сўзга чиққан Маҳаматнозим Атамухамедов ушбу ноёб иншоотда ишлаш мураккаб экани ва фидойилик талаб этишини қайд этди, ўз касбининг усталарига келгуси фаолиятларида муваффақиятлар тилади.

Фахрийларга корхона касба уюшмаси кўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Тошкент телеминораси қурилиши 1978 йилда бошланди, 1985 йил 15 январда фойдаланишга топширилган.

Телеминоранинг умумий оғирлиги 6000 тоннадан иборат. Минора қурилиши 25 тонна юкни 240 метр баландлиққа кўтариш қобилиятига эга бўлган махсус кран ёрдамида амалга оширилган. Эътиборлиси, ушбу кран ўша пайтда мамлакатимиз муҳандислари томонидан ишлаб чиқилган.

да 84та юқори кучлинидаги узатгич ўрнатилди. Натижада мамлакатимиз йирик аҳоли масканларининг 90 фоизини рақамли телевидение билан қамраб

Хар қандай давлатнинг ахборот ресурслари унинг иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Ушбу ресурслардан самарали фойдаланиш мамлакат хавфсизлиги ва демократик ахборотлашган жамиятнинг муваффақиятли шакллантирилишини таъминлайди.


АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ СИЁСАТИ

Мамлакатимизда ахборотлаштириш соҳасига оид қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқдаки, улардан асосий мақсад ахборотларни тезкорлик билан қабул қилиш, қайта ишлаш, узатиш ва сақлаш технологияларидан жамиятимизнинг турли жабҳаларида, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг барча хизмат йўналишларида кенг миқёсда фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилган.

Замонавий ахборот технологияларининг тараққиёти кўпгина мамлакатларда sanoat шпионажи, компьютер жиноятчилиги, конфиденциал маълумотларга рухсатсиз кириш, ўзгартириш, йўқотиш каби салбий ҳодисалар билан биргаликда кузатилмоқда. Компьютер жиноятчилиги ривожланган давлатлар иқтисодиётининг ҳақиқий кушандасига айланган. Масалан, Буюк Британия фирма ва ташкилотларининг 90 фоизи электрон қароқчиликнинг объектига айланган ёки унинг хавфи остида турибди. Голландияда турли ташкилотларнинг 20 фоизи компьютер жиноятчилиги қурбонига айланган. Германияда компьютер ёрдамида йилга 4 миллиард марка, Францияда эса 1 миллиард франк ўғирланади. Мутахассислар бу турдаги жиноятларнинг юқори латентликка эгаллигини таъкидлашмоқда, яъни 85 фоиз ҳолатда компьютер жиноятчилиги очилмай қолади. Ҳолат яна шу билан чуқурлашмоқдаки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзи ҳам жиноятчиларнинг эътиборидаги объектга айланиб қолмоқда. Шу сабабли, ўзларига тегишли ахборотни ҳимоя қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бугунги кундаги долзарб вазифаси бўлиб қоляпти. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси қонунчилик, ташкилий ва дастурий-техник чоралар ёрдамида ечимини толувчи комплекс характерга эга. Шунинг учун ахборотни муҳофаза қилиш хар қандай мамлакатда муҳим давлат вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ва-

Хар қандай мамлакатда муҳим давлат вазифаси ҳисобланади



зирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси ҳузурдаги "Электрон ҳуқуқ" тизимини ривожлантириш маркази ва Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан юқорида номлари келтирилган марказлар ташкил этилди ва фаолияти йўлга қўйилди.

Ахборотни муҳофаза қилиш ахборотни ихтиёрий кўринишда йўқотишда (ўғирлаш, бузиш, қалбакилаштириш) кўриладиган зарарнинг олдини олишни таъминлаш лозим. Ахборотни муҳофаза қилиш чоралари ахборот хавфсизлигига оид амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар асосида ва ахборотдан фойдаланувчиларнинг манфаатларига кўра ташкил этилиши зарур. Юқори даражада ахборотни муҳофаза қилишни кафолатлаш учун мунтазам равишда мураккаб-илмий-техник вазифаларни ҳал этиш

ва ҳимоя воситаларини такомиллаштириш талаб этилади.

Бугунги кунда ахборот хавфсизлигини таъминлайдиган учта асосий тамойил (маълумотлар бутунлиги, ахборотнинг конфиденциаллиги ва фойдаланиш ҳуқуқларига эга барча фойдаланувчилар ахборотдан фойдалана олишлари) билан бир қаторда айрим фаолият соҳалари (ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва махсус тузилмалар, банк ва молия институтлари, ахборот тармоқлари, давлат бошқарув тизимлари) уларда кўриладиган масалаларнинг муҳимлиги ва характерига кўра, уларнинг ахборот тизимлари фаолияти ишончилигига нисбатан юқори талаблар ва хавфсизлик бўйича махсус чоралар кўрилишини талаб этади.

Ахборотни муҳофаза қилишнинг самарадорлиги унинг ўз вақтидалиги, фаоллиги, узлуқсизлиги ва комплекслиги билан белгиланади. Ҳимоя тадбирларини комплекс тарзда ўтказиш ахборот тарқаб кетиши мумкин бўлган хавфли каналларни йўқ қилишни таъминлайди. Ваҳоланки, биргина очик қолган ахборотнинг тарқаб кетиши канали бутун ҳимоя тизимининг самарадорлигини кескин камайтириб юборади.

Ахборот хавфсизлаш тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ўзаро боғлиқ бўлган учта ташкил этувчи (ахборот; техник ва дастурий воситалар; хизмат кўрсатувчи персонал ва фойдаланувчилар)га эътибор қаратилади.

Ахборотни муҳофаза қилиш тамойилларини уч гуруҳга бўлиш мумкин: ҳуқуқий, ташкилий ҳамда техник разведкадан ҳимояланишда ва ҳисоблаш техникаси воситаларида ахборотта ишлов беришда ахборотни муҳофаза қилишдан фойдаланиш.

Ахборотни муҳофаза қилиш тизимларидан фойдаланиш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, фақатгина комплекс ахборотни муҳофаза қилиш тизимлари самарали бўлиши мумкин.

Ахборотларни муҳофаза қилишда фойдаланилувчи асосий усуллар билан бир қаторда ахборотларни маънавий-маърифий ҳимоялаш усули жуда муҳим рол ўйнайди. Айнан инсон, у корхона ёки ташкилот ходими, махфий маълумотлардан воқиф бўлиб, ўз хотирасида кўплаб маълумотларни

Ишончлиликни баҳоловчи асосий меzonлар – хавфсизлик сиёсати ва кафолатланганлик. Тизим хавфсизлигини таъминлашнинг аниқ механизмларини танлаш қабул қилинган хавфсизлик сиёсатига мувофиқ амалга оширилади. Кафолатланганлик ҳимоянинг пассив қисми бўлиб, тизимдан фойдаланишда унга бўлган ишонч даражасини ифодалайди. Ишончли тизимда хавфсизликка тааллуқли барча жараёнлар рўйхатга олиб борилиши керак.

жамлайди ва баъзи ҳолларда ахборот чиқиб кетиши манбаига айланиши мумкин ҳамда унинг айби билан ўзгалар ушбу ахборотга ноқонуний эга бўладилар. Ахборотларни маънавий-маърифий ҳимоялаш усулида ходимни тарбиялаш, у билан маълум сифатларни, қарашларни шакллантиришга йўналтирилган махсус ишларни олиб бориш (ватанпарварлик, ахборотни муҳофаза қилиш унинг шахсан ўзи учун ҳам қандай аҳамият касб этишини тушунтириш) ҳамда ходимни ахборотни муҳофаза қилиш қоидалари ва усулларига ўргатиш, конфиденциал ахборот ташувчилар билан амалий ишлаш кўникмаларини шакллантириш лозим.

Жиноятларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари турли кўриниш ва мазмундаги ахборотларни яратиш, таҳрир қилиш, йиғиш, тармоқда маълумотларни узатиш, қабул қилиш ва ишончли муҳофаза қилиш каби вазифаларни бажариш учун талаб даражасидаги назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

Юқорида баён этилганлар асосида қуйидаги ҳулосаларни ўринли деб ўйлаймиз:

- Ўзбекистон Республикасида ахборотни муҳофаза қилиш давлат тизимининг ташкилий асослари ва вазифалари;

- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари, асосий тушунчалари, ташкилий ва бошқарув тамойиллари;

- ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг усул ва воситалари ҳамда маълумотларни муҳофаза қилишнинг комплекс тизимлари;

- ахборот хавфсизлиги ва маълумотларни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро тажрибалар ҳақида етарли билимларга;

- маълумотларни муҳофаза қилишда хизмат фаолиятига мос дастурий таъминотлардан фойдаланиб, маълумотларни ҳимоялаш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

Ф.САИМУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИБ Академияси
"Информатика, ҳисоблаш
техникаси ва алоқа"
кафедраси ўқитувчиси

Ахборот хавфсизлиги табиий ёки сунъий характердаги тасодифий ёки қасддан қилинган таъсирлардан ахборот ва уни қўллаб-қувватлаб турувчи инфратузилманинг ҳимояланганлигини билдиради.

Замонавий тармоқ технологиялари мураккаб технологияларнинг комплекси асосида шакллантирилади. Уларнинг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш, яратиш ва ҳаётга татбиқ этишда тармоқ компонентларининг функционал хусусиятларини акс эттирадиган ва тартибга солинган бир неча модел ва архитектуралардан фойдаланилади.

ТАРМОҚ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Замонавий тармоқ технологияларининг архитектурасини шакллантиришда асосан куйидаги функционал сатҳлар босқичма-босқич бажарилади:

- тармоқ инфратузилмаси сатҳи — куйи сатҳ;

- дастурий таъминот сатҳи — ўрта сатҳ;
- амалий сатҳ — юқори сатҳ.

Тармоқ инфратузилмаси ҳар хил ахборотлар транспортировкасини таъминлайди.

Кейинги авлод тармоқлари (КАТ) да нутқ, маълумотлар, видео ва мултимедиа ахборотларини узатиш хизматларини тақдим этилишини таъминловчи интеграл очиқ тармоқ архитектурасидан фойдаланилади.

КАТ архитектураси ва унинг техник мезонлари халқаро ташкилотлар, шунингдек, турли мамлакатлар операторлари ва ишлаб чиқарувчиларининг биргаликдаги ҳаракатлари асосида ривожланмоқда ва жорий этилмоқда.

КАТ амалда мавжуд телефон тармоқларини (умумий фойдаланиш телефон тармоғи, маълумотларни узатиш тармоғи, кўчма алоқа тармоғи) бирлаштиради.

КАТнинг ўзига хос хусусиятлари куйидагилар:

- ахборотнинг турли хилларини узатиш мақсадида транспорт тармоғида пакетли технологиялардан фойдаланиш;

КАТнинг функционал модели умумий ҳолда тўрт даража асосида тақдим этилади: кириш даражаси; транспорт даражаси; ахборотни коммутациялаш ва узатишни бошқариш даражаси; хизматларни бошқариш даражаси.

КАТ модуллар асосидаги янги технологияларни, хизматларни ва вазифаларни енгил қиритишга ҳамда мавжудлари билан ўзаро ишлашни таъминлашга имкон беради.

Коммутацияни бошқариш ва бошқаришни



узатиш тугунларини кўриш учун мослашувчан коммутация технологияси — Softswitch ишлатилади. Softswitch куйидагиларни бажаради:

- унинг доменида ишлатиладиган ҳар хил сигнализацияни қайта ишлаш;

- унинг доменига бевосита ёки кириш шлюзлари усуналари орқали уланган фойдаланувчиларнинг абонент маълумотларини сақлаш ва бошқариш;

- тармоқ фойдаланувчиларига хизматларнинг кенгайтирилган рўйхатини тақдим этиш учун иловалар серверлари билан ўзаро ишлаш.

КАТ тамойили халқаро стандартлаштириш ташкилотлари ишлаб чиққан техник ечимларга суянади. Бундай ечимларга хизматларни тақдим этиш жараёнида серверларнинг ўзаро ишлаши махсус протоколлар (IETF (MEGACO, ETSI (TIPHON)), ФОРМ 3Gpp2) базасида бажарилиши қиради.

Транспорт даражасининг технологик асоси сифатида АТМ ва IP, кейинчалик эса оптик коммутация воситаларининг ишлатилиши кўзда тутилган.

**Ақром САЛОҲИДДИНОВ,
ТАТУ 2-босқич магистри**

БАЛЛИ, ШУНҚОРЛАР!

Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламасида Ватан химоячилари кунига бағишланган кўрик-танлов ўтказилди.

Унинг иштирокчилари бир қатор шартлар бўйича ўзаро куч синашдилар. Саф кўшиғи ижро этиб бўлингач, йигитлар тadbирда ҳозир бўлган ҳамкасблари ва ҳакамлар ҳайъатига ўзларини таништиришди. Аскар мактублари орқали яқин-дўстлари, ёру биродарларига ўз муносабатларини баён этдилар. Кўрик-танлов қатнашчиларининг тугма қадаш, картошка арчиш, гўзал Вата-

нимиз, баҳор ва ёшликни мадҳ этувчи куй-кўшиқлари ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Интернетда ва ҳазил-мутойибалар эса барчага хушнудлик бахш этди. Спорт баҳслари давомида йигитларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан етуклик сари дадил одимлаётганликлари яққол намён бўлди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига биноан беллашувларда энг юқори балл

тўплаган боғлама электромонтёри Сардор Асадов фахрли 1-ўринга муносиб деб топилди. 2-ва 3-ўринлар айнан шундай касбда ишлаб келатган Баҳром Тўхтаев ҳамда Амиршоҳ Шариповларга насиб этди. Кейинги ўринлардан эса Шавкат Тўйев ва Мирзохид Эловлар жой олишди.

Кўрик-танлов иштирокчилари боғлама касаба уюшмаси қўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

И. АСҚАРОВ

● Эълон!

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан "Deluxe Falcon" хусусий корхонасининг (Тошкент вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003432 рақамли лицензиянинг амал қилиши унинг ҳуқуқий вориси "DELUXE FALCON" МЧЖнинг аризасига асосан 2015 йил 19 январдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 23 ва 52-бандига асосан:

"BEST GROUP BUSINESS" масъулияти чекланган жамиятининг (Жиззах вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2014 йил 27 майда берилган АА серияли 0005024 рақамли;

"Ahadov Ahad Djamilidinovich" масъулияти чекланган жамиятининг (Самарқанд вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2014 йил 1 августда берилган АА серияли 0005100 рақамли;

"КАФОЛАТ-Э.П.Т." хусусий корхонасининг (Сирдарё вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2014 йил 1 декабрда берилган АА серияли 0005226 рақамли лицензиялар бекор қилинди.

"ZOXID KOGON" хусусий корхонаси, "NARZULLA-SHAXRIBONU" ва "MUNISA FAYZ" масъулияти чекланган жамиятлари (Бухоро вилояти) ўз фаолиятларида "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида" ги Қонуннинг 3-моддаси 2 ва 5-хат бошини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 31 ва 45-бандлари, (2004 йил 30 июл 1393-сон билан Адлия Вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган) Жамоат фойдаланиш жойларида Интернет тармоғидан ахборот олиш имконини бериш тартиби тўғрисида низомнинг, лицензия шартномаларининг тегишли бандлари талабларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 45-бандига асосан:

"MUNISA FAYZ" масъулияти чекланган жамиятининг (Бухоро вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2011 йил 14 октябрда берилган АА серияли 0003866 рақамли;

"NARZULLA-SHAXRIBONU" масъулияти чекланган жамиятининг (Бухоро вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2014 йил 7 майда берилган АА серияли 0005005 рақамли;

"ZOXID KOGON" хусусий корхонасининг (Бухоро вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2014 йил 1 августда берилган АА серияли 0005103 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2015 йил 20 январдан бошлаб 10 иш кунига тўхтатилди.

Инсон доимо эзгуликка интилиб яшасагина муродига етади. Барча бурчларини — ота-оналик, фарзандлик, фуқаролик, касбкор бурчларини садоқат билан адо этиб юрсам, дейди. Юзнинг ёруғлигию тилнинг узунлигига нима етсин. Нўмонжон ҳам ана шундай қобил инсонлар сирасидан. Самимият балқан кўзлари, эҳтиром акс этган сўзлари барчага бирдай мақбул ва манзур.



Нўмонжон Тошқўзиев шогирдлари билан

МУВАФФАҚИЯТГА ЭЛТАР ЙЎЛЛАР

"Истараси иссиқ, иймони бақувват", дейишади унга ўхшаган инсонларга таъриф берилганда. Нўмонжон каби инсонларнинг шиори қисқа ва лўнда: "Меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат!" Жамоанга, ҳамкасбларинга, элу юртга ҳалол хизмат қилиб, эзгулик улаш. Токи ҳеч ким норози бўлмасин.

Почтада баъзи муаммолар юзага келган, айримлар бошқа ишларга ўтиб кетаётган йилларда ёшгина йигит соҳага журъат билан ишга келди. Яна қайси вазифага? Иқтисодчиликка! Таваққал қилди. Одам қилган ишни одам қилади. Сабр, қаноат, матонат бўлса бас. У ўзида шундай хислатларни шакллантиришга жон-жаҳди билан киришди. Ишхонада ўрним бўлсин, тармоққа нафим тегсин, дея кун-тун ҳаловат билмади. "Фикр юритинг, изланинг, таҳлил этиб, хулосалар ясанг, таклифлар киритинг" — бошқарувнинг талаблари шундай қатъий бўлиб, улар тинмай ўқиш, ўрганишни тақозо этарди. Иқтисодиёт борасидаги билим-малакасини ошириб боришида отаси ва устозларининг ўғитлари, йўл-йўриқлари самараси тезда сезилди. Кўп ўтмай тадбирли иқтисодчи бўлиб танилди. Касбни севмоқлик, ардоқламоқлик неъматини раво кўрганга шукрки, унга раҳбарликни ҳам ишонишди ва у бу ишонччи оқлаш учун, соҳани ривожлантириш учун қўлидан келганча ҳаракат қилмоқда.

Яйпанликлар бу йилги обуна мавсумида ҳар доимгидан ҳам кўпроқ шижоат кўрсатдилар. Обуна режаси ортиги билан, яъни 1 млрд. 0146 млн. сўмликка ошириб бажарилди. Ҳукумат ва вилоят ҳокимлиги газеталарига обуна режаси ҳам ўз вақтида, пухтали билан адо этилди. Коммунал тўловлар йиғиш режаси 146 млн. 820 минг сўм эди, 177 млн. 433 минг сўмликка, яъни 121 фоизга бажарилишига эришилди.

Коммунал тўловларни йиғишда ҳам яйпанликлардан тажриба ўрганса бўлади. Ҳар бир ишчи-ҳодим ўзига тегишли ишларни вақтида ва пухта бажаради. Ташкилотлар ва муассасалар билан ҳамкорлик намунали йўлга қўйилган. Муҳими, ўртада ишонч ва ҳурмат бор. Хуллас, зафарли кунларга осонликча етмайдилар. Унгача қанчадан-қанча тўсиқларни, қийинчиликларни ошиб ўтадилар. Нўмонжон эса буни мухтасаргина

Нўмонжон Тошқўзиев ҳақида:

Фарғона политехника институтининг энергетика факультетида таҳсил олган. Икки йил ҳарбий хизматни ўтаган. Меҳнат фаолиятини 1992 йили Фурқат почта алоқаси тармоғида иқтисодчиликдан бошлаган. 2010 йилдан буён Яйпан почта алоқаси тармоғини бошқармоқда. Турмуш ўртоғи Гўзалхон билан уч фарзандни вояга етказишаётир. Хуршидхон туман электр тармоқлари корхонаси ишчиси, олий ўқув юрти талабаси бўлиш орзусида. Гулнозахон Қўқон тиббиёт, Шерзодабек қишлоқ ҳўжалиги коллежлари ўқувчилари. Улар ҳам келгусида олий маълумотли етук мутахассис бўлиш ниятидалар.

тавсифлади: Ҳаммага бир муомала — ютуқлар омили. Бирини ортиқ, бирини кам кўрмайсиз. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик — муваффақиятларга элтар йўллар ана шулар!

Мазкур тармоқда бинолар ва ҳудудларнинг озодалиги ва батариблигига жиддий аҳамият берилди. Зеро, қаердаки шундай талабларга амал қилинса, файзу барака ҳам ўша ердадир. Қолаверса, бу тармоқда иқтисодчи Жамолхон Аҳмадалиев, обуна йўриқчиси Азимжон Дехқонов, пенсия бўлими бошлиғи Лолахон Имомназарова, почта хавфсизлиги ходими Шерали Болтабоев, алоқа бўлими бошлиқлари Туробжон Акрамов, Шарифжон Ҳикматов ҳамда Саъдулложон Дехқонов каби бири-бирининг файзли инсонлар меҳнат қиладилар. Уларнинг мақсади — ҳар қандай олтинлару жавоҳирлардан аъло халқ ишончини қўлдан бермаслик, "Ўзбекистон почтаси" шаънига доғ туширмай, обрў-нуфузини янада юксалтириб боришдир.

Хафиза САЛЯХОВА,
"Xabar"нинг Фарғона
вилоятидаги мухбири

Меҳнатсевар почтачилар

Кўргонтепа Андижон вилоятининг йирик туманларидан. Бу гўзал масканда 200 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Раънохон ТЕШАБОВА бошлиқ туман почта алоқаси тармоғи ходимлари зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан бажаришяпти. Тармоққа 17та алоқа бўлими бириктирилган.



Почта алоқаси тармоғи саралаш бўлимида иш қизгин.

Маъмуробод алоқа бўлимига Феруза Абдуллаева раҳбарлик қилади. Бу меҳнатсевар мутахассис вазифа масъулиятини чуқур ҳис қилади. Файратобод алоқа бўлими бошлиғи Шермуҳаммад Маҳамбобов ҳам касбининг устаси, аҳоли орасида яхши обрў топганлардан. Султонободликлар шу ҳудуд



Кўштепа алоқа бўлими бошлиғи Дониёр Раҳимов ва ҳабарчи Уғилхон Сиддиқова пенсионерлар хонадонидан.

почта бўлими раҳбари Умидахон Отабоевадан мамнун. Улар Кўргонтепа почта алоқаси тармоғи раҳбарига кўплаб миннатдорлик хатларини ёзишган. Давлатимиз мустақилликка эришгандан кейин битта алоқа бўлимига Мустақиллик номи берилди. Унга тажрибали почта ходими Ўқтамжон Кўргонов бошлиқ этиб тайинланди.

Туман почта алоқаси тармоғида 20 нафар ҳабарчи хизмат қилади. Улар газета ва журналлар, телеграмма, жўнатма ҳамда хат-хабарларни эгаларига ўз вақтида етказиб беришяпти. Мавлудахон Эркинбоева, Фарҳод Тешабоев, Муҳаббатхон Аҳмедова, Муҳиддин Мамажоновлар бошқаларга намуна.

Туман аҳолисига ҳар ой 3 млрд.161 млн. сўмлик пенсия пуллари тарқатилляпти. Ҳозирда 15га яқин хизмат турлари кўрсатилляпти.

Биз аҳоли вакиллари билан ҳам суҳбатлашдик. Мамасоли ота Дадабоев:

— 85 ёшдан, 17 невага, икки нафар чеваранинг бувасиман. Ўзим қишлоқ ҳўжалиги соҳасида меҳнат қилганман. Олти ўғил, бир қизимни ўқитиб, тарбияладим. Ҳозирда кексалик гаштини суриб, набираларим қуршовида яшаб келялман. Хабарчи қизимиз Мавлудахон Эркинбоева пенсиямни ўз вақтида келтириб беряпти. Бундан хурсандман. Илоҳим, почта ходимлари тинч, соғ-саломат бўлишиб, ютуқлари кўпаяверсин.

Тўраҳон ҒАҒУРОВ
Андижон вилояти



ТАТУда спорт тадбирлари

Тошкент ахборот технологиялари университетининг "АКТ соҳасида иқтисодиёт ва менежмент" факултети ташаббуси билан "Юрт химоясига барчамиз масъулмиз" шиори остида бир қатор спорт тадбирлари ўтказилди.



Дастлаб, ТАТУ спорт мажмуасида факултет гуруҳлари ўртасида футбол баҳслари ташкил этилди.

Кубок баҳсларининг биринчи босқичида еттита гуруҳ ҳамда факултет профессор-ўқитувчиларидан ташкил топган "ИМФ" жамоаси кураш олиб борди. 110-12 ва 120-11 жамоалари ўртасида ўтган финал баҳсида 120-11 жамоаси 2:1 ҳисобида ғолиб чиқди.

Баҳсларнинг иккинчи босқичида саккизта гуруҳ жамоалари беллашдилар. Муросасиз кечган баҳсларда 113-14 ва 120-12 жамоалари финал босқичига чиқишди. Яқунда 113-14 жамоаси 3:1 ҳисоби билан ғалабани қўлга киритди.

Шунингдек, биринчи ва иккинчи босқич ғолиб жамоалари ўртасида суперфинал ўйини ҳам бўлиб ўтди. 113-14 ва 120-11 жамоалари ўртасидаги баҳсда 120-11 жамоаси 4:0 ҳисобида ғолиб чиқди ва "ИМФ КУБОГИ"нинг мутлақ ғолиби бўлди.

"ИМФ кубоги" футбол баҳсларида ғолиб жамоага топширилган кўчма кубок ва медаллардан ташқари, қатор-номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди ва уларга эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрликлар топширилди.



Тадбирдан лавҳалар

"АКТ соҳасида иқтисодиёт ва менежмент" факултети талабалари ўртасида ўтказилган шахмат мусобақасида қуйидагилар ғолиб бўлишди:

- 1-ўрин:** 130-12 гуруҳ талабаси **С.Курашов;**
2-ўрин: 120-12 гуруҳ талабаси **Ф.Холмуродов;**
3-ўрин: 110-12 гуруҳ талабаси **А.Мўминов.**

Ўтганларнинг охириги оёб бўлсин

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси жамоаси қўмитанинг махсус ишлар бўлими бош мутахассиси Нафиса Муҳамедовага қайнонаси **Раъно ая МУҲАМЕДОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Осиё кубоги: Терма жамоамиз ярим финалга чиқа олмади

Австралияда футбол бўйича ўтказилаётган Осиё кубогининг гуруҳ баҳсларидаги сўнгги учрашувида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари Саудия Арабистони вакиллари 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ўзбекистон — Саудия Арабистони — 3:1

Голлар: Сардор Рашидов, 2; 78; Воҳид Шодиев, 71 — Ал-Саҳлавий, 71.



Шу тариқа, футболчиларимиз 6 очко билан гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаб, чорак финалга чиқди.

Ҳамюртларимиз ярим финалга чиқиш учун Жа-

нубий Корея терма жамоаси билан куч синашди.

Учрашувнинг асосий бўлимларида дарвозаларга тўп киритилмади. Кўшиб берилган таймларда корейликлар ҳужумчиси Сон Хен Мин томонидан киритилган икки тўп терма жамоамизни мусобақадан чиқариб юборди.

Жанубий Корея — Ўзбекистон — 2:0

Голлар: Сон Хен Мин, 104; 118.

Полвонларимиз медаллар билан қайтишди

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича кадетлар ўртасида ўтказилган аънавий халқаро турнирда ёш спортчиларимиз иккита олтин ва битта бронза медални қўлга киритди.

Мусобақанинг эркин кураш бўйича вази 46 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида ҳамюртларимиз Рустам Жўраев شوҳспланнинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Иқтидорли курашчимиз ҳал қилувчи баҳсда қозоғистонлик Раҳат Қалжани мағлубиятга учратди.

Вази 100 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида қатнашган яна бир спортчимиз Ҳасан Раҳимов финалда эронлик Амир Ризо Фаттоҳийни енгиб, олтин медални қўлга киритган бўлса, 85 килограмм оғирликдаги спортчилар баҳсида Ҳусан Раҳимов учинчи ўринни эгаллади.

Янги номлар кашф этилди

Республика олимпия захиралари коллежида юнон-рум кураши бўйича 1998-1999 йилларда туғилган ёш полвонлар ўртасида халқаро турнир ўтказилди. Унда юртимиз спортчилари билан бирга Қозоғистон ва Тожикистондан жами 100 нафардан зиёд спортчи 10 вазн тоифасида беллашди.

Турнирда спортчиларимиздан Достон Турсунбоев, Турабек Тиркашев, Зуфар Соҳибов, Жаҳоҳир Тоғаев, Саидшаҳром Мўминов, Шоҳруҳ Каримов, Абуабкар Алимов, Акбар Икромов, Темурбек Мамажонов, Достон Саидқулов ўз вазн тоифасида ғолибликни қўлга киритди.

Оғир атлетикачиларимиз Анталияда йиғин бошлашди

Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Туркиянинг Анталия шаҳрида ўқув-машғулот йиғинини бошлади. Баҳром Абдумаликов бошчилигидаги эркалар ва Баҳром Мендибоев раҳбарлигидаги аёллар миллий терма жамоаларимиз Анталияда халқаро ўқув-машғулот йиғини орқали мавсумга тайёргарликни давом эттиришади.

Эркалар жамоасидан Фарҳодбек Собиров, Достон Ёқубов, Улуғбек Алимов, Сардор Дўстмуродов, Руслан Нуриддинов, аёллар жамоасидан Лола Қодирова, Махлиё Тоғаева, Марина Сисоева, Фарангиз Шомуродова, Манзура Мамасолиевалар жой олишган. Йиғин давомида терма жамоа шифокор-массаажчиси Бахтиёр Ҳамроев ҳам спортчиларимизга ҳамроҳлик қилади.

Жаҳон чемпионининг кетма-кет олтинчи ғалабаси

Голландиянинг Вейк-ан-Зее шаҳрида давом этаётган шахмат бўйича супертурнир ўзининг ҳал қилувчи палласига кирди. Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу мусобақада 9-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Амалдаги жаҳон чемпиони Магнус Карлсен кетма-кет олтинчи ғалабасини қўлга киритди.

Норвегиялик 25 ёшли жаҳон чемпиони бу сафар оқ доналарда озарбайжонлик гроссмейстер Теймур Ражабовни мағлубиятга учратди ва 7 очко билан яқка пешқадамликни давом эттирмоқда.

Турнир жадвалидаги ҳолат: Карлсен — 7, Со, Ваше-Лаграв — 6, Иванчук, Дин Лижэн — 5,5, Гири, Каруана — 5, Ражабов, Войташек — 4,5, Аронян — 4, Хоу Ифан, Шарич — 3, ван Вели — 2,5, Жобава — 1,5.



ЭЪЛОН!

UZTELECOM

«TShTT» filiali

Тошкент шаҳри аҳолиси диққатига!
“Ўзбектелеком” АҚ
“ТШТТ” филиалининг
қуйидаги хизматлари:

- шаҳар телефони ўрнатиш;
 - интернет улаш;
 - IP TV улаш бўйича берилган рад жавоби Сизни қониқтирмас
- қуйидаги ишонч телефониغا қўнғироқ қилинг:

200-30-90

Текшириб, жавоб берамиз.

Маъмурият

ЁҚИМЛИ МУСИҚА МИЯНИ ТИНЧЛАНТИРАДИ

Ривожланиб бораётган бугунги замонавий технологиялар асрида инсон саломатлиги учун бир қанча янгилик ва қулайликлар яратилмоқда. Шулардан бири, инсон организмни тинчлантиришни доирасиз даволаш йўли муסיқа-терапия усулидир.



Америкалик олимларнинг айтишича, сокин ва ёқимли муסיқа юрак иш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатар экан. Бундан ташқари, асаб тизимини тинчлантириб, рухий зўриқишларни йўқотади.

Баланд ва шовқинли муסיқа тингловчи киши миёсида кўзга-қўлга келиб, бош миёни ички босимида салбий таъсир кўрсатади. Натижада қулоқ пардаси жиддий шикастланиши мумкин. Баланд товушли муסיқа юрак бир маромда уришининг бузилишига олиб келади. Доим баланд товушли муסיқа тингловчи кишиларда хотиранинг пасайиши, юрак қон томир касалликлари ва қулоқ билан боғлиқ хасталиклар кўп учраши аниқланди.

Қон босими баланд юрвучи кишиларнинг ҳар куни хотиржам ўтирган ҳолда ёқимли муסיқа тинглаши ва дам олиши қон айланишини яхшилаб, юракни етарли миқдорда қон билан таъминланишига ёрдам беради.

Шунингдек, бош оғриғи ва мигрен безовта қилганда, киши ўзини хотиржам тутиб, дам олиши ва сокин муסיқа тинглаши зарур.

Наргиза УГЛАМОВА
тайёрлади

ХАЛҚ ТАВОБАТИ



ЁНҒОҚНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ёнғоқ йилнинг исталган фаслида истеъмол қилиш мумкин бўлган, инсон саломатлиги учун жуда фойдали мевалардан бири. Унинг таркибида юзга эрта тушадиган ажинлар ва кексайишнинг бошқа ҳолатларидан ҳимоя қилувчи антиоксидантлар мавжуд. Таркибида руҳ моддаси кўп бўлиб, ушбу микроэлемент сочларнинг жило бериши ва тирноқларнинг мустаҳкам бўлишига ёрдам беради.

Ёнғоқда тери ва шилиқ пардаларнинг соғлом бўлиши учун зарур бўлган Е ва А витаминлари, шунингдек, иммунитетни мустаҳкамлайдиган ва тери ҳужайраларининг янгиланишига сабаб бўлувчи С витамини кўп. Ёнғоқ истеъмол қилишни қанда қилмайдиган аёллар ўзларини кўкрак беши саратонидан ҳимоя қилиб ҳам борадилар.

SO'RANG, JAVOB BERAMIZ

— Ўзбекистонда қадимдан ипакчилик яхши ривожланган. Момоларимиз ипакдан тўқилган матолар, айниқса, атласдан тикилган кийимларни кийишни хуш кўришган. Сизлардан илтимос, илк бора ипак тўқиш юртимизнинг қайси шаҳарларида ривожлангани ҳақида маълумот берсангиз.

Захро РАҲМАТОВА
Куйичирчиқ тумани

— Ўзбекистон илгаритдан уста хунармандлар юрти бўлган. Бундан бир неча юз йил олдин ипакдан тикилган кийимларнинг ранги ҳам, сифати ҳам ўзгармаганлигини кўриб, музейларимизни томоша қилаётган хорижликлар ўз ҳайратларини яшира олмаганларига гувоҳ бўлганман. Мамлакатимизнинг Фарғона ва Бухоро шаҳарлари ипакчилик яхши ривожланган шаҳарлар сирасига кирди. XIX-XX аср ўрталарида бу шаҳарлар ипакчилик юқори суръатда ривожланган марказлар ҳисобланган.

Саодат САЙДХОНОВА,
тарихчи

BILASIZMI?

■ **Машҳур физик олим Нютоннинг бошига тушган олма меваси ҳақидаги ҳикояни биринчи бўлиб ёзувчи Волтер ўзининг Нютон ҳақидаги эссесида қаламга олган. Энг қизиғи, олимнинг ўзи бу ҳақда ҳеч қачон гапирмаган.**

■ **Миср эҳромлари бунёд этилаётган эрамиздан аввалги учинчи мингйилликда ер юзи аҳолиси атиги ўттиз миллион кишини ташкил этган. Бугунги кунда эса дунё аҳолиси ҳар йили 80 миллион кишига кўпаймоқда.**

■ **Ер юзи аҳолисининг 4,5 фоизи АҚШда истиқомат қилади. Аммо бутун дунёда чиқариладиган маиший чиқиндиларнинг 20 фоизи айнан шу давлатга тегишли.**

BU — QIZIQ!

Хар бир мамлакатнинг ўзига хос қонунлари бўлади. Масалан:

■ **АҚШда** бегона болаларни эркалаш, улар билан гаплашиш қатъиян тақиқланади. Бу ҳаракатларни амалга оширган шахс жиноий жавобгарликка тортилади.

■ **Нидерландияда** велосипедда сайр қилувчиларни хуш кўришмайди. Айрим сайёҳлар бунинг учун танбеҳ эшитишган.

■ **Полшада** эса жамоат жойларида ичиш ва чекиш тақиқланган. Бундай жойларда спиртли ичимликдан бўшаган идишларни олиб юриш ҳам жаримага тортилишга сабаб бўлиши мумкин. Энг қизиғи, бу мамлакатда қарам шўрва стаканларда тортилади.

■ **Бундай шўрвани, ҳатто қаҳва автоматидан ҳам сотиб олиш мумкин.**



Табрик айлимиз!

"Радиоалоқа, радиозиттириш ва телевидение маркази" ДУК жамоаси Тошкент радиотелеузатиш маркази ходимлари — Раҳматилла АЛИМОВ ҳамда Алишер ХУДОЙБЕРДИЕВларни таваллуд айёмлари билан муबारакбод этади.

"Ўзбектелеком" АҚ Қорақалпоғистон Республикаси филиали жамоаси филиал 229-ЭАТС линия муҳандиси Айтбай МАМБЕТНИЯЗОВни 60 ёши, 224-ЭАТС кросс оператори Генжегул КОЖАНОВАни 55 ёши ҳамда телефон бўлими электромеханиги Ширин АТАУБАЕВани 50 ёши билан самимий табриклаб, уларга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, фарзандларининг бахтини кўришларини тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали жамоаси Кува ПАТ ходими Махсатили АХМЕДОВни 55 ёши, Марғилон ПАТ ходими Адхамжон ИСМОЙЛОВни 50 ёши билан самимий табриқлайди. Уларга соғомонлик, узоқ умр, фарзандлар бахти-икболини кўришни тилайди.

"Ўзбектелеком" АҚ Самарқанд филиали жамоаси филиалнинг капитал қурилиш бўлими бошлиғи Муҳаммади САМАДОВни 60 ёшига тўлиши муносабати билан кизгин қутлайди. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилайди.

ОМАДЛИ БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Унда куйидагиларни одат қилинг:

- Хар куни эрта туришга ҳаракат қилинг;
- Мутолаани асло қанда қилманг;
- Хар бир ишда қатъиятли ва чидамли бўлинг;
- Бориға шукр қилишни, ҳар бир яхшилик учун миннатдор бўлишни ўрганинг.
- Кўрган-билганларингиздан хулоса чиқариб, тажриба орттириб бориңг.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КўЧИМОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайбат раиси), Махсум МАҲМУДОВ,
Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ,
Сувон НАЖИБДИНОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.
Наширимиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор شوҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

Газета
ҳафтаининг
жума кунин
чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Мавзиси: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-165 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳақми 4 босма табоқ.
Алади: 13880 нуска.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.